

O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA



ILMIY-NAZARIY JURNAL



2022/4

ISSN: 2181 7804

fansports.uz

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат
жисмоний тарбия ва спорт
университети
муассислигида чоп этилади

Тахририят манзили:
111709, Тошкент вилояти,
Чирчиқ шаҳри, Спортчилар
кўчаси 19-уй. Формат 60x84
1/16. 80 саҳифа.
Адади 200 нусха.
Босишга рухсат этилди:
30.09.2022

Журнал
“DAVR MATBUOT
SAVDO” МЧЖ
босмахонасида нашр
қилинди.

“MATBUOT
TARQATUVCHI”
обуна каталоги
индекси: 1118
05.02.2018 йилда
Тошкент шаҳрида
оммавий ахборот
воситаси сифатида давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами
№ 02-005
“FAN – SPORTGA”
журнали
2004 йилдан
нашр этилади.

Мусаҳҳиҳлар:
М.С. Айходжаева,
Ш.Б. Алиева

Техник муҳаррир:
М. Раҳмонов

2022/4

Р.М. Аъзамов – Показатели физической работоспособности и аэробных возможностей игроков в хоккее выполняющих различные игровые амплуа. 42

Ф.А. Пулатов – Малакали баскетболчи-талабаларда вестибулосоматик турғунликни тўп уриб югуриш тезлиги ва техникасига таъсир этиши. 45

ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ

А.А. Акмалов – Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари малакасини оширишда педагогик диагностика самарадорлик кафолати. 47

Н.Р. Давлетова – Сравнительная оценка изменений показателей специальной физической подготовленности курсантов специализирующихся по боевому самбо на этапе спортивного совершенствования. 49

Ф.М. Якубов – Спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантиришда психосоциал таҳлил услубиятидан фойдаланиш. 53

ОММАВИЙ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МАССОВАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА И СПОРТ

Б.К. Еримбетов – Кураш спорт турини ёшлар орасида оммалаштиришнинг замонавий йўллари. 57

Ф.К. Хомуджонова – Ўқув- машғулот гуруҳларида шуғулланувчи 14-15 ёшли курашчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлик динамикаси. 59

А.А. Толаметов., А.Н. Аманов., Ф.А. Юсупханова – Мамлакатимизда хотин-қизлар спортининг долзарб муаммолари. 61

БОЛАЛАР –ЎСМИРЛАР СПОРТ ДЕТСКО-ЮНОШЕСКИЙ СПОРТ

Н. Мамаджанов – Исследование зависимости результатов физических упражнений от морфофункциональных особенностей детей школьного возраста. 64

Ф.М. Мурадов – Имконияти чекланган мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбия машғулотларини тузишда табақалаштирилган ёндашув механизми. 67

Ж.Ш. Баязитова – Ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиб мактабгача ёшдаги болаларда чаққонликни ривожлантириш. 70

ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТ ЭКОНОМИКА И МЕНЕЖМЕНТ ОБРАЗОВАНИЯ

И.А. Ахмедов., К.Ш. Зиядуллаев., Ж.Ж. Худойбердиев – Рақамли асрда спорт маркетинги. 73

Ж.П. Нарзиев., А.П. Бойқобиллов., У.Б. Бахтиёр – Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўллари. 77

Подготовка педагогических кадров

обеспечить активность занимающихся, широко использовать метод сопряженного воздействия и улучшить эмоциональный фон занятия.

Заключение: Полученные результаты свидетельствуют, что предлагаемая методика способствует повышению специальной физической подготовленности. В тоже время следует отметить, что экспериментальная группа, которая уделяла больше внимания техническим средствам подготовки, повысила свою физическую подготовленность статистически достоверно выше, чем в контрольной группе, тренировавшейся по традиционной программе. Такое положение позволило сделать заключение о предпочтительности и эффективности экспериментальной программы в подготовке курсантов по боевому самбо.

Литература:

1. Байтураев Е.И. Самбо кураши назарияси ва услубияти // Дарслик «Танаддун», 2016 ;
2. Озолин Н.Г., Воспитание координационной способности и ловкости самбиста / М.: Астрель: АСТ, 2003. 863 с.;

3. Керимов Ф.А. Теория и методика спортивной борьбы // Учебник. Т., 2001, 245 с.;
4. Ким Ю.С., Л.П. Югай – Основы дзюдо Изд-во Издательско-полиграфический отдел УзПИФК, 2005, 137с.;
5. Мирзакулов Ш.А. Белбогли кураш назарияси ва услублари // Ўқув қўлланма Т.: 2014 – 216 б.;
6. Плотников В.И. Структура тактической подготовленности в спортивных видах борьбы. // Теория и практи. физ. культ., 2010, № 10, стр. 73-76;
7. Похачевский А.Л. Восстановление физической работоспособности квалифицированных борцов самбистов в годичном цикле подготовки. // Ученые записки Унив-та имени П.Ф. Лесгафта, 2011, -№11, (81), с. 126-130.)
8. Скворцов, Д.В. – Стабилометрическое исследование / Д.В. Скворцов. – Москва: Маска, 2010. – 176 с.
9. Таймазов В.А., Значение функциональной асимметрии как генетического маркера спортивных способностей. Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта. 2006. Вып. 22. стр. 74–82.)
10. Таймуратов А.Р. Курашчиларга хос куч турлари ва уларни ривожлантирувчи машқлар таснифи // Фан - спортга, 2017, №2, 67-69с.;
11. Харлампиева А.А. Харлампиева (Харлампиев А.А. Борьба самбо. М., 1977.; (Харлампиев А.А. Борьба самбо. М., 1977.;
12. Karpowicz K., Characteristics of motor abilities of young athletes of selected sports during sport training / Studies in Physical Culture and Tourism. 2010. Т. 17. №. 1. стр. 33–40.;
13. Pseunok A.A., Adaptive capabilities of junior sambo wrestlers aged 12-14 years / Theory and Practice of Physical Culture. 2015. №. 9. стр. 29–29)



Муаллиф билан боғланиш учун:
fazliddin.yaqubov.89@mail.ru

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ф.М. ЯҚУБОВ¹

¹Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ТЕЗКОР ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПСИХОСОЦИАЛ ТАҲЛИЛ УСЛУБИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация

В статье показано, как использовать метод психосоциального анализа в развитии навыков быстрого принятия решений у студентов-спортсменов.

Ключевые слова: студенты-спортсмены, спортивное мышление, быстрота принятия решений, тип мышления, стиль мышления, аналитическое мышление.

Долзарблиги. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда [1]. Мазкур ислохотларда ҳар томонлама кенг дунёқарашга эга, тафаккури ривожланган, назарий билимларини амалиётда қўллай оладиган

Annotation

Мақолада спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантиришда психосоциал таҳлил услубиятидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: спортчи талабалар, спорт тафаккури, тезкор қарор қабул қилиш, тафаккур тури, тафаккур услуби, аналитик фикрлаш.

The article shows how to use the method of psychosocial analysis in the development of rapid decision-making skills of student-athletes.

Key words: student-athletes, sports thinking, decision-making speed, type of thinking, thinking style, analytical thinking.

мутахассисларни тайёрлаш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Спортчи талабаларда жисмоний сифатлар ва тафаккур ривожланишининг алоқадорлиги, жисмоний тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, унинг мазмуни ва жараёни асосларидан келиб чиқади. Яъни, “ақлий ва жисмоний тарбия ўртасида икки томонлама муносабатлар мавжуд. Бир томондан, жисмоний тарбия тафаккур ривожини учун яхши шароит яратди ва унинг ривожланишга ёрдам беради; бошқа томондан, тафаккур ривожини жисмоний тарбия самарадорлигини

ошириб, спортчиларнинг ҳал қилинаётган вазифалар моҳиятини тушунишлари ва уларнинг ечимини ижодий излашлари учун имкониятни шакллантиради [2]. Демак, тафаккур – ақлий ва жисмоний ривожланиш натижасида такомиллашиб фаолиятни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантиришда психосоциал таҳлил услубларидан фойдаланишни асослаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Дж.Брунернинг “Тафаккур турлари ва креативлик даражасини аниқлаш” ҳамда А.Алексеев, Л.Громоваларнинг “Тафаккур услублари” методикалари.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ҳозирги кунда ЎзДЖТСУ спортчи талабаларининг ўқув жараёни бошқа олий таълим муассасалари талабалариникидан фарқ қилади. Яъни, бир томондан назарий фанлар ва спорт ихтисослиги бўйича амалий машғулотлар параллел равишда ташкил қилинган. Бу жараёнларда спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантириб бориш ҳамда ўз соҳасида етук мутахассислар бўлиб етишишини таъминлаш университетнинг олдига қўйган муҳим мақсадларидан ҳисобланади.

Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиққан ҳолда спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантиришда тафаккур даражалари ва турларини таҳлил қилдик. Бунда Дж.Брунернинг “Тафаккур турлари ва креативлик даражасини аниқлаш” методикасига мурожаат қилдик. Тафаккур тури – бу ахборотни аналитик ва синтетик ўзлаштиришнинг индивидуал усулидир. Ҳар бир инсоннинг фаолиятида тафаккур турлари турли даражада характерланади. Дж.Брунер тафаккурнинг қуйидаги турларини таснифлаган ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтган:

1) Предметли тафаккур – ахборотни қайта ишлаш предметли воситалар ёрдамида амалга оширилади. Бундай тафаккур эгалари маълум фаолиятни макон ва замонда бевосита ўзи бажаради ҳамда бошқаради. Бунда ҳаракатлар маълум узвийликда бажарилади. Тафаккурнинг бу тури амалий фикрлаш тарзига эга бўлган инсонларга хос.

2) Символли тафаккур – ахборотни қайта ишлаш алгебраик қодалар ёки арифметик белги ва амаллар ёрдамида амалга оширилади. Бундай тафаккур эгалари фаолиятни турли рамзлар билан боғлайди. Бунда структура ва формулалар кўринишидаги фикр натижа сифатида намоён бўлади. Тафаккурнинг бу тури математик фикрлаш тарзига эга бўлган инсонларга хос.

3) Белгили тафаккур – ахборотни қайта ишлаш ҳулосалар асосида амалга оширилади. Бунда белги-ланган предметлар ўртасидаги муҳим муносабатларни

қайд этувчи тушунча ёки иборалар шаклидаги фикр натижа сифатида намоён бўлади. Тафаккурнинг бу тури гуманитар фикрлаш тарзига эга бўлган инсонларга хос.

4) Образли тафаккур – ахборотни қайта ишлаш макон ва замондан алоҳида ҳолда мавжуд бўлади. Уларни узвийликда ва бир вақтнинг ўзида бажариш мумкин. Янги образда гавдаланган фикр бундай ҳаракатларнинг натижаси сифатида намоён бўлади.

5) Креатив тафаккур – ахборотни қайта ишлашда ижодийлик устун бўлади. Яъни, бажариладиган фаолият одатдагидан ўзгача ва янги ёндашувларни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Дж.Брунерга кўра барча тафаккур турлари бўйича олинган жами балл учта интервалга ажратилади:

- қуйи (0 дан 5 баллгача),
- ўрта даража (6 дан 9 баллгача),
- юқори даража (10 баллдан 15 баллгача).

Ушбу методика орқали олинган натижалар ва аниқланган кўрсаткичлар асосида қуйидаги маълумотларга эга бўлдик (1-жадвал):

1-жадвал

ЎзДЖТСУ 1-4 босқич спортчи талабаларида тафаккур турлари ва креативлик даражасининг кўрсаткичлари (n=400) (Дж.Брунер бўйича)

Тафаккур тури	1-босқич (n=100)	2-босқич (n=100)	3-босқич (n=100)	4-босқич (n=100)	(\bar{X})	(σ)	(V)
Предметли тафаккур (балл)	9,40	9,70	8,95	9,80	9,46	1,36	14,37
Символли тафаккур (балл)	7,20	6,43	7,15	7,70	7,12	1,15	16,15
Белгили тафаккур (балл)	6,83	6,85	6,75	6,93	6,84	1,29	18,86
Образли тафаккур (балл)	8,10	7,70	7,70	7,50	7,75	1,27	16,39
Креатив тафаккур (балл)	9,05	9,18	8,55	8,58	8,84	1,17	13,24

Изоҳ: “қуйи даража – 0 дан 5 баллгача”, “ўрта даража – 6 баллдан 9 баллгача”, “юқори даража – 9 баллдан 15 баллгача”.

Спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилишида тафаккур турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлик муносабатлари ўрганилди. Унга кўра, спортчи талабаларда тезкор қарор қабул қилишида тафаккур турлари таҳлил қилинди. Ушбу методикага асосан спортчи талабаларда “Предметли тафаккур” тур юқори даражада (9,46 балл), “Креатив тафаккур” кўрсаткичи эса ўрта даражани (8,84 балл) ташкил этди. Бундан шуни англашимиз мумкинки, спортчи талабаларнинг асосий фаолияти амалий машғулотлар эканлиги учун уларда амалий тафаккур тарзи яхши ривожланади. Шунингдек, бирор вазифани ижодийликка таяниб бажаришларини маъқул кўришади. Кейинги тафаккур турларидан “Образли тафаккур” (7,75 балл), “Символли тафаккур” (7,12 балл), “Бел-

Подготовка педагогических кадров

гили тафаккур” (6,84 балл) ўрта даражада эканлиги аниқланди. Бу шуни кўрсатадики, спортчи талабалар ўзларининг дарс, амалий машғулотларида тезкор қарор қабул қилиш жараёнида турли тафаккур турларидан керакли ўринларда деярли бир хил фойдаланади экан. Тафаккур турлари орасидаги фарқлар спортчи талабаларнинг спорт фаолиятига боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилишида иштирок этадиган тафаккур услубларини аниқлаш учун А.Алексеев, Л.Громоваларнинг “Тафаккур услублари” методикасидан фойдаландик. Тафаккур услуби – бу инсоннинг ҳиссий ва ақлий билишига асосланган, воқеликни воситали инъикос эттиришдир.

А.Алексеев, Л.Громоваларнинг “Тафаккур услублари” методикаси бўйича қуйидаги тафаккур услублари фарқланади:

1) Синтетик тафаккур услуби – бу тафаккур услубига эга инсонлар турли янгиликларни яратишга, оригинал ишларни амалга оширишга, ғояларни ўзаро боғлашга, баъзан қарама-қарши ғоя ва маълумотларни бирлаштиришга мойил бўлади. Шунингдек, улар фаолиятларида назарий мулоҳаза юритишга ва фикран тажриба-синовлар ташкил этишга уринади. Турли зиддиятларни бартараф этишга ва муроасага келтиришга интилади.

2) Ғоявий тафаккур услуби – бу тафаккур услуби эгалари таҳлил қилмасдан фикр юритишга мойилдирлар. Улар мақсадга эришишга, муаммо мазмунига, инсон кадриятларига, ахлокий масалаларга кизиқиш билан қарайди.

3) Прагматик тафаккур услуби – бундай тафаккур услубидаги инсонлар бевосита ўзининг шахсий тажрибаларига таянган ҳолда қарорлар қабул қилади. Улар қулай ва осон англаш мумкин бўлган ахборотлардан фойдаланишга, қандай қилиб тез натижа олиш мумкинлигини билишга интилади. Прагматик фаолиятга амал қилишади. Прагматик инсонлар юзага келган мавжуд ҳолатларда хатти-ҳаракат тактикаларини яхши белгилайди ва мураккаб вазиятлардан ўз фойдасига фойдаланади, шароитларга мослашувчан бўлади.

4) Аналитик тафаккур услуби – ушбу тафаккур услуби эгалари муаммоларга тизимли қарайдилар. Улар муаммоли вазиятларга мантикий ёндашиб, унинг ечимини майда жиҳатларигача эътибор беришади. Аналитик тафаккур услуби эгалари қарор қабул қилишдан олдин чуқур таҳлил қилиб, муаммо юзасидан далиллар тўплаб, тўлиқ ахборотларни йиғишга ҳамда стратегияли режа тузишга мойил бўлади. Рационалликка амал қилишади.

5) Реалистик тафаккур услуби – ушбу тафаккур

услубига эга инсонларга реал ҳолат ва фактлар муҳимлигига эътибор қаратишади. Улар учун бевосита ўз кўзи билан кўрган ёки эшитган нарсалар ҳақиқий саналади. Реалист тафаккур услуби эгалари аниқликка интиладилар.

А.Алексеев, Л.Громоваларнинг “Тафаккур услублари” методикасига кўра синалувчилар:

– 37 баллдан 59 баллгача тўплаган бўлса, ушбу тафаккур услуби улар учун аҳамиятсиз даражада ва ундан фаолиятларида кам фойдаланадилар;

– 60 баллдан 65 баллгача тўплаган бўлса, унда ўша тафаккур услуби ўртача ривожланганлигини билдиради. Тенг вазиятларда эса, бу тафаккур услуби ёки услубларидан синалувчи фойдаланишга мойил бўлади;

– 66 баллдан 71 баллгача тўплаган бўлса, у ҳолда синалувчида тафаккурнинг ушбу услуби етакчилик қилади ва яхши ривожланган бўлади.

– 72 балл ва ундан юқори бўлса, у ҳолда ушбу тафаккур услуби синалувчида ўта етакчилик қилади. Синалувчи доимий равишда ушбу фикр юритиш услубидан фойдаланади. Ушбу методика орқали олинган натижалар ва аниқланган кўрсаткичлар асосида қуйидаги маълумотларга эга бўлди:

2-жадвал

ЎзДЖТСУ 1-4 босқич спортчи талабаларининг тафаккур услублари бўйича кўрсаткичлари
n=400) (А.Алексеев, Л.Громовалар бўйича)

Тафаккур услуби	1-босқич (n=100)	2- босқич (n=100)	3-босқич (n=100)	4-босқич (n=100)	(\bar{x})	(σ)	(V)
Синтетик (балл)	50,6	51,2	52,1	53,4	51,83	3,62	6,99
Ғоявий (балл)	48,2	51,2	51,9	52,2	50,88	3,44	6,76
Прагматик (балл)	59,1	61,1	61,9	62,2	61,08	2,92	4,78
Аналитик (балл)	47,3	47,9	48,2	49,4	48,2	2,68	5,56
Реалистик (балл)	56,5	52,5	58,4	57,2	56,15	3,61	6,43

Изоҳ: “қуйи даража – 37 баллдан 59 баллгача”, “ўрта даража – 60 баллдан 65 баллгача”, “юқори даража – 66 дан 71 баллгача”, “ўта юқори даража – 72 баллдан юқори”.

Ушбу жадвал таҳлилларидан келиб чиқиб айтсак, ЎзДЖТСУ спортчи талабаларида “Прагматик тафаккур услуби” юқори даражада (61,08 балл) эканлиги маълум бўлди. Яъни, спортчи талабалар аксарият ҳолларда ўз шахсий тажрибаларига таяниб қарор қабул қилишади. Бунда улар тезроқ натижага эришишни маъқул кўришади. Турли шароитларга тез мослашувчан бўлади. Кейинги “Реалистик тафаккур услуби” ўрта даражада (56,15 балл) бўлиб, унга кўра спортчи талабалар кўпроқ реал вазиятлардан келиб чиқиб тезкор қарор қабул қилишади. Яъни, кўпроқ ўзлари кўрган ва реал вазиятларни ҳақиқий ҳисоблашади. На-

вбатдаги “Синтетик” (51,83 балл) ва “Ғоявий” (50,88 балл) тафаккур услублари деярли бир хил кўрсаткични кўрсатди. Бундан шунинг асосида синтетик, спортчи талабалар турли ғояларни амалда синашга мойил бўлиб, фикр юритишда, мулоҳаза қилишда ички интуицияга таянишмайди. Муҳими мақсадга эришиш биринчи ўринда бўлади. “Аналитик” тафаккур услуби паст кўрсаткични қайд қилди (48,2 балл). Бунга кўра, спортчи талабаларда муаммоли вазиятларга мантикий ёндашиш, қарор қабул қилишдан олдин чуқур таҳлил қилиш ҳамда стратегияли режа тузиш кам кузатилади.

“Тафаккур услублари” орасидаги кўрсаткичларга кўра спортчи талабалар фаолиятлари давомида тезкор қарор қабул қилишларида турли тафаккур услубларига таянишлари аниқланди. Тадқиқот методикаларини қўллаш орқали олинган натижалар спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилишида тафаккур турлари ва услубларининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишни тақозо этади. Бунда биз К.Пирсоннинг “r” корреляция коэффициентидан фойдаландик (3-жадвал).

3-жадвал

ЎзДЖТСУ 1-4-босқич спортчи талабаларининг тафаккур турлари ва услублари орасидаги корреляцион муносабат кўрсаткичлари (n=400) (К.Пирсон бўйича)

Тафаккур услублари / Тафаккур Турлари	Синтетик	Ғоявий	Прагматик	Аналитик	Реалистик
Предметни тафаккур	0,242	-0,320	0,986**	0,069	0,140
Символи тафаккур	0,012	0,187	-0,342	0,119	-0,093
Белгилни тафаккур	0,167	0,424	-0,019	0,612	0,052
Образли тафаккур	0,037	0,376	0,181	-0,971*	0,025
Креатив тафаккур	0,017	0,014	0,132	0,189	0,974**

Изоҳ: ** p<0,001; *p>0,05

ЎзДЖТСУ спортчи талабаларининг тезкор қарор қабул қилиш жараёнида тафаккур турлари ва услублари орасидаги ўзаро ички алоқадорлик муносабатлари аҳамиятли даражадаги коэффициентларни кўрсатди. Хусусан, спортчи талабаларнинг “предметли” тафаккур турининг юқорилиги “прагматик” тафаккур услубининг ривожланишига олиб келди (r=0,986; P<0,001). Бу жараёнда спортчи талабаларнинг маълум фаолиятни макон ва замонда бевосита ўзи томонидан бажарилишида амалий фикрлаш тарзи намойён бўлиб, аксарият ҳолларда шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб қарор қабул қиладилар. Шу орқали юзага келган мавжуд ҳолатларда тактикаларини яхши белгилайди ва мураккаб вазиятлардан осон чиқиб

кетди. Тадқиқотимизга кўра, ЎзДЖТСУ спортчи талабаларида “креативлик”нинг устунлиги “реалистик” тафаккур услубининг ривожланишига олиб келди (r=0,974; P<0,001). Ушбу ҳолатдан англанадики, спортчи талабалар тафаккурида реал вазиятлар ва фактлар муҳим ҳисобланиб, улар фикрлаш техникасида янги ёндашувларни қўллашга сабаб бўлади. Ўз навбатида спортчи талабаларда “образли” тафаккур турининг суист ривожланганлиги “аналитик” тафаккур услубининг ривожланишида тўсиқ бўлиши аниқланди (r=-0,971, P>0,05). Юқоридаги таҳлил натижаларимиздан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, спортчи талабаларнинг тезкор қарор қабул қилишида барча спорт турларида муҳим бўлган ва шу билан бирга спортдаги ихтисослашувининг ўзига хос жиҳатларига қараб турли даражада намойён бўладиган кўйидаги компонентлар мавжуд:

- спорт машғулоти пайтида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш қонуниятларини билиш;
- машғулотлар жараёнида кузатишлар ва тегишли ҳаракатларни амалга ошириш натижасида олинган махсус билимларни тезкор қайта ишлаш;
- мусобақа пайтида турли ахборотларни эслаб қолиш, ёдда сақлаш ва керакли ҳолатда ишлата олиш;
- қийин вазиятларда тафаккур жараёнлари оқимининг тезлиги ва мослашувчанлиги, тафаккурнинг мустақиллиги ҳамда фикрнинг изчиллигига таяниб қарор қабул қилиш;
- қўйилган ҳодисаларни олдиндан сезиш билан ҳаракат қилиш ва тезкор қарор қабул қилиш.

Хулоса. Спортчи талабаларда предметли тафаккур тури орқали прагматик тафаккур услуби ривожланишига, креатив тафаккур турининг ўсиб бориши реалистик тафаккур услубининг такомиллашишига олиб келса-да, мавжуд вазиятларда тезкор қарор қабул қилишида таҳлил қилиш, мантикий ва аналитик фикрлашга эътиборсизлик ортиб борди. Бу эса уларнинг тезкор қарор қабул қилиш малакасини ривожлантиришга комплекс ёндашув услубиятини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4877-сонли қарори. <http://lex.uz>
2. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2000. - 480 с.
3. Керимов Ф.А. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар. – Т.:Зар қалам, 2004. – 334 б.
4. Якубов Ф.М. Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириш методикаси. Монография. Тошкент.:Lesson Press, 2022. – 140 б.